

## Қ А Р О Р

(маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида)

2026 йил апрель ойининг 06 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси И.Сабиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сапарбаевнинг котиблигида, томонлардан Чилонзор туман ИИО ФМБ профилактика инспектори Б.Бекчановнинг иштирокида, Чилонзор туман ИИБ ФМБ бошлигининг,

Халмирзаев Алишер Улмасбаевич (XALMIRZAYEV ALISHER ULMASBAYEVICH), 1975 йил 23 август куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланган:

1) Тошкент ҳарбий судининг 1999 йил 3 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 165-моддаси 3-қисмининг “а, в” бандлари, 301-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; 2003 йил 29 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод этилган.

2) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2010 йил 8 февралдаги ҳукмига кўра, ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбдор деб топилиб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2011 йил 14 февралдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари, яъни 1.043.250 сўм жарима жазоси тайинланган, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва 1.043.250 сўм жарима жазоси тайинланган. Судланганлик ҳолати тугалланган, 2025 йил 02 сентябрда МЖтКнинг 161-моддаси, 2025 йил 29 ноябрда 161-моддаси, 2026 йил 05 январь куни 138-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 8-мавзе, 24-уй, 16-хонадонда истиқомат қилувчига

нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномасини, иш ҳужжатларига қўшиб кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:



Халмирзаев Алишер Улмасбаевич Чилонзор туман ИИО ФМБ ХПБда муқаддам судланган шахс сифатида профилактик ҳисобга олинди, у билан профилактик ишлар олиб борилганлиги, лекин жазо муддатини ўтаб қайтиб, ўзига берилган жазодан ижобий хулоса чиқармаганлиги, жамиятда юриш-туриш қоидалари ва жамоат тартибига зид хатти-ҳаракатларни даъвом эттириб келганлиги аниқланган.

Жумладан, Халмирзаев Алишер Улмасбаевич:

- Тошкент шаҳар Сирғали туман ИИО ФМБ профилактика инспекторининг 2025 йил 02 сентябрдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 161-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этишда айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида, яъни 412.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

-Тошкент шаҳар Сирғали туман ИИО ФМБ профилактика инспекторининг 2025 йил 29 ноябрдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 161-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этишда айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида, яъни 412.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман ЙХХХ инспекторининг 2026 йил 05 январдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 138-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этишда айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир баробари миқдорида, яъни 206.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Тақдимномада, Халмирзаев Алишер Улмасбаевич тайинланган жазолардан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаганлиги, тўғри ҳаёт кечириш йўлига ўтишни истамаётганлиги кўрсатилиб, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО ФМБ профилактика инспектори Б.Бекчанов тақдимномани қувватлаб, Халмирзаев Алишер Улмасбаевичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатишни сўради.

Суд мажлисида, Халмирзаев Алишер Улмасбаевич содир этган ғайриҳуқуқий ҳаракатларидан қаттиқ пушаймонлиги, содир қилган ҳуқуқбузарлик оқибатларини тушуниб етганлигини, бундан кейин жамоат тартибига риоя этиши, ўзига нисбатан хулоса чиқарганлигини билдириб, оғирроқ турдаги чекловларни ўрнатмасликни сўради.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 02 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига биноан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан - судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи монидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод



этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий хуқуқбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида маъмурий назорат ўрнатилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Қонун мазмунига кўра, маъмурий назорат шахсни ахлоқан тузатиш, унинг бундан буёнги жиний ҳаракатларининг олдини олишга хизмат қилиши лозим.

Суд, иш ҳолатлари ва қайд этилган қонун талабидан келиб чиқиб, тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиб, тақдимнома юзасидан тарафларнинг фикрини тинглаб, маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантириш, унга нисбатан чеклов ва тақиқларни ўрнатишда, иш фаолиятининг хусусиятини инобатга олишни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Халмирзаев Алишер Улмасбаевичга (XALMIRZAYEV ALISHER ULMASBAYEVICH) нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Халмирзаев Алишер Улмасбаевичга нисбатан 06 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин ва унга қуйидаги тақиқлар ўрнатилсин:

1. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИО ФМБга ҳар ойнинг “15” санасида рўйхатдан ўтиш.

2. Яшаш жойини кеч соат 23:00 дан эрталаб 07:00га қадар тарк этмаслик.

3. Тошкент шаҳар ҳудудидан Чилонзор тумани ИИО ФМБ бошлиғининг рухсатисиз чиқмаслик.

4. Спиртли ичимликлар истемол қилишни таъқиқлаш.

5. Спиртли ичимлик билан савдо қилувчи шоҳобча, кафе, ресторан, бар, тунгги клубларда бўлмаслик каби чеклов ва тақиқлар ўрнатилсин.

Қарордан норози томон ўн сутка муддат ичида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

И.Сабилов

Аслига тўғри

